



## Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намоёиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди

Мустақилликнинг ҳар бир куни ҳаётимизга янгиликлар, хушбарлар олиб келмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтирмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиликлар,

узқини ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган Халқаро ҳамкорлик маркази, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, "Маърифат маркази", "Пойтахт" бизнес маркази, "Бунёдкор" спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар шаҳар кўрқига кўрк қўшмоқда. Замонавий меҳмонхоналар, турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига кенг қулайлик яратмоқда.

Хадра майдонида 2013 йили улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинган. Бунинг узвий давоми сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприк қурилди.

Президентимиз Ислон Каримов 12 май куни ушбу кўприкни бориб кўрди.

Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча кесишар, оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилги сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Абдулла Қодирий кўчасининг ҳар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайтирилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

## Халқаро валюта жамғармаси низомининг IV Моддасига мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар доирасида ХВЖнинг Ўзбекистон Республикасидаги миссияси яқинлари бўйича пресс-релизи

Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси 2015 йилнинг 29 апрель - 12 май кунлари IV Моддага мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар ўтказиш учун Тошкентда бўлди.

Ражи Альмарзоки миссия иши яқинлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

"Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолликнинг сустиги, шунингдек, нефть нархи паслиги билан ифодаланадиган мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намойиш этмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5 фоиз

ўсди. Давлат томонидан катта ҳажмда инвестициялар сарфланаётгани ва газ экспортини Россиядан Хитойга қайта йўналтириш стратегияси ушбу босқичда мамлакат иқтисодиётини минтақанинг бошқа давлатларида рўй бераётган секинлашидан ҳимоя қилди. Ташқи иқтисодий мавқе мустаҳкамлиги қолмоқда, аммо жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит ҳажми камайган. ХВЖ ходимлари томонидан истеъмол нархлари индекси ни ҳисоблашнинг муқобил услуби асосида ҳисоблаб чиқилган йиллик инфляция даражаси 2015 йилнинг март ойини ҳам кўшганда бир рақамли кўрсаткичга пасайди ва тахминан 9 фоизни ташкил этди.

(Давоми учинчи бетда)

## Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари

## Қонунчиликни такомиллаштириш масаласига бағишланди

Урганча "Жиноят ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш: ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари" ҳамда "Судьяликка номзодларнинг захирасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзуларида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими тудан ислоҳ қилинган, хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар туфайли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши билан бир қаторда, суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

## Istiqloq imkoniyatlari

## Кассация институти

суд қарорларининг асосли, адолатли ва қонунийлигини таъминлашнинг муҳим мезони

Маълумки, амалдаги "Суд-мувофиқ, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этилди. Айни пайтда кассация тартибиде иш юриштириш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Кассация инстанцияси-нинг энг муҳим вазифаси — кўрилган ишлар бўйича биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган моддий ёки процессуал қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида тузатишдан иборатдир. Бунда иш қайтадан тўлиғича, мазмунан кўрилмагандан, фақат шикоят қилинган қисми бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилгани текширилади.

(Давоми учинчи бетда)

## Qonun ko'magi

## Шартнома шартлари

унга қатъий риоя этмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Юртимизда фермерлик ҳаракатининг кенг жорий этилгани, умуман, аграр соҳада чуқур ислохотлар изчил амалга оширилаётгани бугун ўзининг қутулган самараларини бермоқда. Жумладан, пахтачилик, ғаллачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келади.

Бугунги кунда фермерлар ўз ҳуқуқларини яхши билиши, фермерликнинг ҳуқуқий асосини ифодаловчи меъёрлар ҳужжатлардан яхши хабардор бўлиши даркор. Шу маънода хўжалик судлари томонидан иқтисодий низоларни ҳал этиш ва одил судловни таъминлаш борасида амалга оширилган бир қатор таъсирчан чора-тадбирлар жойлардаги фермер ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни судларга хўжалик субъектлари томонидан қилинаётган муносабатларнинг одиллигини таъминлаш борасида амалга оширилган бир қатор тадбирларнинг ҳуқуқий маданияти янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни судларга хўжалик субъектлари томонидан қилинаётган муносабатларнинг одиллигини таъминлаш борасида амалга оширилган бир қатор тадбирларнинг ҳуқуқий маданияти янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида Жиззах вилояти хўжалик суди то-

монидан фермер хўжаликлари иштирокида жами 265 та хўжалик низои қонуний ҳал этилди. Бунда фермерлар фойдасига 2 530, 38 миллион сўм ундириб берилди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, хўжалик судида кўрилатилган низоларнинг кўпчилигини шартномавий муносабатлардан келиб чиққан низолар ташкил қилади. Бинобарин, шартнома — тарафлар вужудга келтирилган муносабатларнинг барча муҳим шартлари бўйича белгиланган шаклдаги ихтиёрий келишув ҳисобланади, бунда шартномага киришувчи томонлар ўз зиммаларига бир қатор бурч ва мажбуриятларни олади.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим шартларидан бири - мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришдир. Зотан, мустақил суд ҳокимияти жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилади.

## Islahot va samara

## Мустақил суд ҳокимияти — инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг кафолати

Бу ҳақда сўз борганда, ислохот йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, ўтган даврда ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. Жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилик жиддий тарзда ислоҳ қилинди. Булар, ўз навбатида, судларни ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Албатта, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилгани алоҳида қайд этиш зарур. Чунки бунинг натижасида жиноят ва фуқаролик ишларини малакали

асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Айниқса, ислохотлар жараёнида кассация инстанцияси тубдан ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришни апелляция тартиби жорий этилгани жуда муҳим янгилик бўлди. Ана шу ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқиш учун юртимизда, балки уни ўзи тўлиқ ҳажмда кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этиш имконияти таъминланди. Шунингдек, бугун томонлар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, адвокат иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга

бўдилар. Шундай қилиб, фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилди. Таҳлиллар жорий этилган ана шу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, судлар фаолиятида сансалорликка йўл қўйилган хатоларни кўрсатмоқда.

Ушбу фикримизнинг тасдиғи сифатида қуйидаги рақамларни келтираемиз. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибиде тузатишга бўлса, 2014 йил якунига кўра, бундай ҳолатларнинг 88,7 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибиде бартараф этилган.

(Давоми иккинчи бетда)





Garoyib olam

Дунёдаги аксарият шаҳарлар одағда, маданият, илм-фан, саноят ва савдо каби соҳаларда тараққий этган йирик аҳоли манзилгоҳи сифатида тавсифланади. Аммо дунёда шундай шаҳарлар ҳам борки, улар ўзига хос жиҳатлари билан ажралаб туради.

Биз билган ва билмаган дунё
ГАРОЙИБ ШАҲАРЛАР

Маълумки, дунёда дастлабки шаҳарлар милоддан аввалги 5-3-минг йилликларда Месопотамия, Хинди-стон ва Хитой давлатларида пайдо бўлган. Айни пайтда ер юзи аҳолисининг деярли ярми шаҳарларда истиқомат қилади. Бугунги кунда аҳоли манзилгоҳларини шаҳар тоифасига ўтказиш қонуний тартибда амалда оширилади. Аниқроқ айтганда, дунёнинг айрим давлатларида аҳоли манзилгоҳларини шаҳар тоифасига киритиш учун муайян талаблар қўйилган. Жумладан, шаҳар тоифасига кириш учун аҳоли сони Данияда ва Испания давлатларида 250 киши, Японияда 25 миң киши бўлиши талаб этилади.

Айтиш керакки, АКШнинг Флорида штатида жойлашган Те-Виллижис шаҳри аҳолисининг сони эса, 100 миң киши ташкил этади. Қизик томони шундаки, ушбу шаҳар нафақага чиққан шахслар учун атай барпо этилган бўлиб, маҳаллий аҳоли вакилларининг аксарияти голф ўйини учун мўлжалланган голф-омо-билларда ҳаракатланади. Бу шаҳарнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унга ёш болаларнинг кириши қатъиян тақиқланади.

Бюзинген-эм-Хохрайн шаҳри аслида Германияга қарашли бўлса-да, Швейцария ҳудудида жойлашган. Ажабланарлиси шундаки, ушбу шаҳар аҳолиси ҳар икки давлатда қабул қилинган қонунлар ҳамда давлат билан тақиқланган бемалол фойдаланиши мумкин.

АКШнинг Аляска штатидаги Уиттиер шаҳри аҳолиси бор-йўғи 200 нафар кимшидан иборат. Уларнинг аксарияти "Begich Towers" деб аталадиган 14 қаватли уйда истиқомат қилади. Қолганлари эса, ўз авто-билларига уланган митти уйчаларда ёки кемаларда яшади. Аслида "Begich Towers" деб аталадиган ушбу уй 1956 йилда барпо этилган бўлиб, ўша вақтда ундан ҳарбий бино сифатида фойдаланилган. Айни пайтда Уиттиер шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатадиган барча дўконлардан тортиб, болалар майдончаси ва тиббиёт марказлари ҳам биргина "Begich Towers" биносига жойлаштирилган.

Шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, бу ерда ёш оила-рида 22 соат давомида куёв деярли ботмайди. Қиш фаслида эса, шаҳар қалин қор билан қопланади. АКШнинг Небраска штатида жойлашган Монови шахрига чеҳиялик муҳожирлар асос солган бўлиб, шаҳар аҳолисининг сони ўша пайтда 150 нафар кишини ташкил этган. Лекин кейинчалик уларнинг аксарияти шаҳарчани тарк этишган. Бугунги кунда бу шаҳарча-да якка-юғона Элси Эйлерлар оиласи истиқомат қилади, холос. Бахтсизликни қарангки, 2004 йилда Элсининг турмуш ўртоғи вафот этгач, у шаҳарчининг ягона фуқаросига айланди. Етмиш етти ёшли Элси Эйлер шаҳардаги ягона қаҳвахона, кутубхона ва по-

чта хизматининг иш бошқарувчиси ҳисобланади. Бундан ташқари у шаҳар кўчаларидаги чироқлар ўчиб қолмаслиги ҳамда бошқа зарур хизматлар таъминла-ниши учун йиллик солиқлар-ни мунтазам равишда тўлаб боради.

Норвегиянинг Шпицберген оролида жойлашган Лонгшир шаҳри дунёнинг энг шимолий қисмида жойлашган манзилгоҳ ҳисобланади. Бироқ шунга қарамай шаҳарчада ибодатхона, банк уйи, музей, почта бўлима-си, аэропорт ва ҳатто уни-верситет ҳам мавжуд. Маълум бўлишича, бу ғоят мўъжаз шаҳар аҳолиси бел-гиланган қонун талабига қатъий амал қилиб кун кечир-ишади. Яъни Лонгширда вафот этиш тақиқлангани боис ўта оғир беморлар зудлик билан мамлакатнинг бо-шқа ҳудудига олиб кетиллади. Негаки, шаҳардаги табиий шароит, яъни абадий муз-ликларни инобатга олиб, дафн маросими ўтказиш ман этилган.

Бундан ташқари, шаҳар аҳли гайритабиий яшаш тарзи билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортиб келади. Аниқроқ айтганда, шаҳар аҳолиси, яъни ёшу кекса бирдек доимо ёнида курул билан юриши шарт. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Гап шундаки, шаҳар жойлашган ҳудуд оқ айиқлар макони бўлгани боис, улар одам-ларга тез-тез ҳужум қилиб туради. Шунингдек, шаҳар-да мушук боқиб ҳам қонун билан тақиқланган бўлиб, бу ушбу ҳудудда мавжуд бўлган камёб қушларни химоя қилишга қаратилган.

Дунёдаги яна бир қизиқ-на кент — Жанубий Африка-га қарашли Марлот-Парк шаҳарчаси ҳисобланиб, у мамлакатдаги энг йирик Крюгер миллий ҳайвонот боғи ёнида жойлашган. Маълумки, Крюгерда шер, бегемот, тимсоҳ ва бошқа кўплаб ёввойи ҳайвон тур-лари истиқомат қилади. Ажабланарлиси шундаки, шаҳар ёввойи ҳайвонлар билан тўла бўлишига қара-май одамлар истиқомат қиладиган уйларнинг атро-фини девор билан ўраш қонун билан тақиқланган. Шаҳарни боғдан ажратиб туривчи ягона деворнинг баландлиги эса, бор-йўғи 1,2 метрни ташкил қилади, холос.

Ғарбда Хитойнинг Гуан-дун шаҳри яқинида Гальш-тат шаҳрчаси бунёд этилди. Унинг қурилиши учун 940 миллион АКШ доллари миқ-дорида маблағ сарфланди. Бу шаҳар Австрияда жой-лашган ва ЮНЕСКОнинг Жа-ҳон мероси рўйхатидаги кири-тилган Гальштат шаҳрининг айнан нусхаси ҳисобланади. Маълум бўлишича, Хитой-даги Гальштатни қуриш билан шуғулланган "Minmetals" компаниясининг бир неча нафар ходими Австрияга бориб, бутун шаҳарни су-ратга олишган ва "эгизак шахар" ана ўша суратлар асосида барпо этилган.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намоёиши



асрлар давомида кўримсиз уйларда яшаб келган, у ерда биронта янги қурилиш бўлмаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра, янги йўллар, кўприklar, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилмоқда. Энди Эски шаҳарни "Эски шаҳар" дейиш тўғри келмайди. Яқин йил-лар ичида бу жой ҳамма ҳавас қиладиган замонавий масканга айланади. Аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар натижасида пойтахтимиз тобора обод ва кўркем бўлиб бораётди. Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журналининг баҳосига кўра, Тошкент шаҳри дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбари ушбу майдоннинг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам оли-ши учун яратилган қулайликларни кенгайтириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намоёиши бўлган бундай за-монавий ишҳоотлар, ободон-лаштириш ишлари аҳоли хизматлари янада оширишга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, УА муҳбирлари Сарвар ўРМОНОВ олган суратлар

сося беради, кўзни қувонти-ради, соғлиқни мустаҳкам-лайди, умрни узайтиради. Дарахтни севиш, асраш ке-рак. Бу мутасадди ташки-корлик билан бир қаторда мана шу ерда яшаётганлар-нинг, бутун пойтахтимиз аҳолисининг вазифаси, бур-чи бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз.

Кўп қаватли уйларда яша-ётган аҳолининг турмуш ша-роитини яхшилаш, дам оли-ши учун имконият яратиш, мўътадил иқлими таъмин-лаш мақсадида бу ерда учта фаввора қурилди. Абдулла Қодирий номидаги истиро-ҳат боғи олдидаги фаввора реконструкция қилинди. Уларнинг атрофида одамлар ҳордиқ чиқариши, болажон-лар яйраб ўйнаши учун ша-роит яратилди.

Президентимиз шу атроф-да истиқомат қиладиган фах-рийлар ва ёшлар билан суҳ-батлашди.

— Эски шаҳар аҳолиси

йўлсозлигида яна бир янги-ликка кўл урилди — кўприк-нинг икки томонида пиёда-лар учун 102 ва 111 метр-лик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилди. Улар-га чиқиб-тушиш учун зина-по я билан бирга эскалатор ва лифт ҳам қурилган. Улар-да ёгин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай за-монавий, одамлар учун бар-ча қулайликлар эътиборга олинган кўприк-ишҳоотлар дунёнинг баъзи мегаполис-ларидагина мавжуд. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ишҳоот мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, ин-сон манфаатларини таъмин-лашга қаратиладиган эъти-борнинг амалий ифодаси бўлди.

Сабзор кўчаси орқали 98 метрлик яна бир ер ости йўли барпо этилгач, пиёда-ларга чорраҳанинг тўртала томонида ҳам хавфсиз ўтиш имконияти яратилди.

Дароҳт ҳам тирик жон. У

Давоми. Бошланиши учинчи бетда

Мамлакатимизда фуқароларни бу иллатдан химоя қилиш борасида му-ҳим чора-тадбирлар амалга ошири-либ, одам савдосига қарши кура-шишининг мустаҳкам ҳуқуқий асосла-ри яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси томони-дан БМТнинг "Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфуруш-ликдан фойдаланишига қарши ку-рашиш тўғрисида" ҳамда "Трансмил-лий уюшган жиноятчиликка қарши" конвенциялари ратификация қилин-гани шулар жумласига киради.

Шунингдек, 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Айтиш керакки, 2008 йил 8 июлда Президентимизнинг "Одам савдоси-га қарши курашиш самарадорлиги-ни ошириш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқич-га кўтарди. Мазкур қарорга мувофиқ одам савдосига қарши курашиш са-марадорлигини ошириш бўйича мил-лиядон тадбирлар режаси тасдиқланди ва одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ташкил этилди.

Одам савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш, бу жиноий қилмиш оқибатида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида давлат органла-ри, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқ-ариш идоралари ва нодавлат ноти-жорат ташкилотлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда. Афсуски, шунга қарамай, ҳаётда бундай қабиҳ қилмишга кўл ураётган кимсалар ҳам учраб туради.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Шокир Абдурахмо-нов (исм-шарифлар ўзгартирилган) гарчанд тўрт фарзанднинг отаси бўлса-да, тайинли касб-корнинг бо-шини тутти, ҳалол меҳнати билан кун кечирини хаёлига келтирмади. Бе-корчилик барча иллатларнинг бош са-

бабчиси деганларидек, турли қинг-ир йўлларга бош суққан Шокир ўттиз беш ёшга тўлгунча қадар уч марота-ба жиноий жавобгарликка тортилди. Бироқ бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига у яна жиноий қилмишга кўл урди.

Ш.Абдурахмонов мўмай даромад орттириш илтиҳида ҳамтовогои А.Ри-заев билан ўзаро жиноий тил бирик-

қишга мажбур бўлишади. Шундай оғир шароитда бир ой ишлаганлари-дан сўнг Ш.Абдурахмонов уларни олис қишлоқлардан бирига олиб бо-ради ва "янги иш" билан таништи-ради.

Бу ердаги аҳвол аввалгидан ҳам оғир, ташландиқ хонанинг бадбўй иси қиңғилни беҳузур қиларди. Энг ёмони, йиғитларни қуролланган кимсалар на-

зorat қилар, ҳатто кўшни хонадонга боришга ҳам руҳсат беришмасди. Фай-риқонуний равишда эркинликдан маҳрум этилган ака-ука қора терга бо-тиб, тонг сахардан шом қоронғуси-га чек қўйиб, кўп вақт ҳаётини ўтказа-ди. Орадан ушбу йўлга қайтади. Маълум бўлишича, у шунда, Ш.Абдурах-монов билан жанжаллашиб, кўчага чи-қиб кетганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кўлга олиниб, саккиз ой мобайнида жазони ижро этиш муассасасида сақ-лаб турилади. У қонунга хилоф равиш-да хорижий давлат ҳудудида юргани учун шундай жазаго ҳукми этилади.

Шу тариқа жабрланувчилар инсоф ва диёнатни нуқутган Ш.Абдурахмо-новга нисбатан қонуний чора кўри-ши сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилишади. Барча айблари тўлиқ ис-ботини топган Ш.Абдурахмонов бир қанча мuddат хорижда яшириниб юр-ган бўлса-да, мамлакатимиз билан хо-рижий давлат ўртасида имзоланган экстрадиция шартномасига асосан кўлга олиниб, белгиланган тартибда Ўзбекистонга юборилди.

Суд Ш.Абдурахмоновни Жиноят кодексининг 135-моддаси билан ай-бдор деб толиб, унга нисбатан беш йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Бу аччиқ ҳаётий қиссадан ҳисса шуки, ўзгаларнинг маблағи ҳисоби-га кун кечирини, ҳамюртларини чет элларда оғир аҳволда қолдириш, энг ёмони, инсон шаънини топташ ҳамда эркинлиги ва қадр-қимматида даҳл қилиш кишига ҳеч қачон яхшилик кел-тирмайди.

Ҳаким МАЛИКОВ, жиноят ишлари бўйича Қуйчириқ тумани судининг раиси

Jinoyat va jazo
Инсон қадр-қиммати, шаъни — муқаддас

унга даҳл қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

тиради ва ҳамшаҳарлари — С.Назаров, М.Назаров ҳамда У.Бекмуродов-га кўшни давлатларнинг бириди яхши иш борлигини, ҳар ойда 500-700 АКШ доллари миқдориди маош олишини айтади.

Санжар ва Мурод Назаровлар Шокирнинг алдовига учиб, хорижга ке-тишга рози бўлишади. Уша кезде ака-укалар ноқонуний йўллар билан хориж-га чиқиш турли кўнглисизликларга са-баб бўлиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайди. Шу тариқа улар Шокир Абдурахмонов билан бирга хорижга йўл олишади. Шокир ўзга давлат ҳудуди-га етиб борган заҳотиёқ ҳамроҳлари-нинг паспортларини олиб кўяди.

Ака-ука Назаровлар "шароити ку-лай" турар жойни кўрганларидеяёқ ал-данганликларини англаб етишади. Бу ташландиқ бино ҳали қиш мавсуми бошланмасиданоқ этни жунжиктира-диган даражада совуқ ва зах эди. Шунга қарамай, ишчилар шу хонада тунашга, эрталаб барвақт ишга чи-

Куч—АДОЛАТДА
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАҶАБОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДҒОРОВ
Файрат ХИДҶОТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри. Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@oilysud.uz. Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-522. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 7186. 1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20<sup>00</sup> Топширилди: 21<sup>30</sup>